



МАҲДУМИ АЪЗАМ КОСОНИЙНИНГ ДАВЛАТНИ БОШҚАРИШ ВА ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШГА ОИД ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ

Хурийд САМАТОВ,
ТАТУ Самарқанд филиали

Гуманитар ва ижтимоий фанлар кафедраси мудири, доцент

Аннотация: Ушбу мақолада нақибандия таълимотининг жамият сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлашда суфий шайхларининг фаол ҳаракатлари ифодаланган. Шунингдек, XVI- аср нақибандия тариқатининг йирик вакили сифатида Махдуми Аъзамнинг тинчликни таъминлашга оид ижтимоий-сиёсий қарашлари баён этилган.

Калим сўзлар: давлат, жамият, тасаввуф, халқ, мулоқот, тинчлик, тариқат

Аннотация: В данной статье описывается роль учения Накибанди в политической жизни общества и активные усилия суфийских шейхов в обеспечении мира и стабильности. Также описываются общественно-политические взгляды на миротворчество крупного представителя секты Накибанди XVI века Махдуми Азама.

Ключевые слова: государство, общество, мистика, народный, общение, мир, секта

Abstract: This article describes the role of the teachings of Naqshbandi in the political life of society and the active efforts of Sufi sheikhs in ensuring peace and stability. It also describes the socio-political views of Makhdumi Azam on peacekeeping as a major representative of the Nakshbandi sect of the 16th century.

Key words: state, society, mysticism, people, communication, world, sect

Инсоният тарихи давомида буюк мутафаккирлар, халқлар ўртасида тинчлик, тотувлик муносабатини ўрнатиш, ҳамкорлик ва ҳамжихатликда яшаш ғоясини изчил ишлаб чиққан ва уни назарий — фалсафий асослашга ҳаракат қилишган.

Тасаввуф ва унинг нақшбандия тариқатидаги мутасаввифларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини ўрганиш ундаги жамиятни тинчлиги ва осойишталиги масаласи тасаввуф аҳлининг мунтазам диққат марказида бўлганлигини тасдиқлайди.

XV асрнинг иккинчи ярмида нақшбандия тариқати ва давлатдорлар ўртасида юзага келган янги муносабат “ихтилот” сўзи билан ифодаланган. Бу сўз тариқат аҳлининг давлатдорлар билан янги ижобий муносабатини англатиб, борди – келди, мулоқот, суҳбат, машварат, маслаҳат, келишиш, ҳамкорлик ва бошқа шунга ўхшаш маъноларда ишлатилган.

Бундай анъаналар Марказий Осиё халқлари ижтимоий — иқтисодий ва маданий - маънавий ҳаётида юз берган уйғониш даврининг кейинги босқичида (XIV—XVI асрлар) диёримиздан этишиб чиққан йирик мутасаввуфлар Хожа Аҳрор Валий (1404—1499), Муҳаммад Қози (1447 - 1516), Махдуми Аъзам каби мутасаввуфлар томонидан давом эттирилди ва янги ғоялар билан бойитилди. Улар вужудга келган ижтимоий - сиёсий ва маданий - маънавий шароит таъсирида ўз салафларининг инсон жамоаларининг келиб чиқиш сабаблари ҳақидаги ғояларини ўзига хос равишда талқин қилиб, жамиятнинг раванқ топиши учун, аввало жамиятда мамлакатлараро ва халқлараро уруш ва қирғинликлар, динлараро адоват, инсонлараро низо - жанжаллар барҳам топиб, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжихатлик, ишонч ва муроа устувор мақсадга айланиши кераклигини таъкидлаганлар.

Нақшбандия тариқатида сиёсий фаоллик масаласини кўтарган ва уни амалиётга кўллаган сиймо Хожа Убайдуллоҳ Аҳрордир.

Баъзи бир манбаларда, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг қуйидаги фикри келтирилган: ”Биздан бурунги шайхлар авом ташвишлари бўйича амир ва подшоҳларга мурожаат қилмаганлар. Биз эса бунинг билан доимий машғулмиз... Биз буни зарурат деб биламиз[1. 174 -б]”.

Хожа Аҳрор ўзининг сиёсатга киришиб кетишини “замоннинг ёмонлашуви” билан боғлайди. Шунинг учун халққа ёрдам бериш мақсадида ҳукмдор саройида бўлиш афзал, пайғамбарлар динини юксак чўққига кўтариб, шу билан ҳукмдорга бориш лозим, чунки





унинг тахту-тожи имон-этикод улуғворлиги олдида арзимас кўринсин, деб билади. Бундай мулоҳазаларнинг асосий моҳиятида жамоанинг тинчлиги ва осойишталиги ётади.

“Рашахот айн ул – ҳаёт” рисоласида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг Абдулҳолик Гиждувоний тилидан айтилган қуйидаги сўзлари келтирилади: “Ҳазрат Абдулҳолик Гиждувоний буюрмишларки, халқ гарданидан оғирлиқни кўтариш керак, аммо бунга ҳалол касб билангина эришилади; “Қўл иш билан, дил Ёр (Аллоҳ) билан” шиори Хожагон тариқатида муқаррардир[2-356].

Муҳаммад Қозининг айтишича, мазкур ғояни давом эттириб, уни амалда қўлламоқ учун Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор: “Мусулмонлар бошидан жабр – зулмни дафъ этмоқ учун дин ва шариатни дастур қилган ҳолда султонларга мурожаат қилмоқ лозимлигини” нақшбандия тариқати аҳлининг вазифаларидан, деб уқтиради.[3. 115 б].

Нақшбандия тариқатининг йирик пири муршиди Муҳаммад Қози (1447-1516 йй) Хожа Аҳрори Валий ғояларини давом эттириб ҳукмдорларга қуйидаги ўғитларни беради:

1. Ҳукм чиқаришда ўзини фуқаролардан бири деб ҳисоблаб бошқани ўзига ҳоким деб билиш, ўзига раво кўрмаганни ўзгага раво кўрмаслик.

2. Мусулмонларнинг хожатини чиқариш ибодатларнинг афзалидир.

3. Емоқ-ичмоқ ва кийинмоқда хулафои рошидин одатларига амал қилиш.

4. Сухбат асносида мулойим сўзлаб, асосиз равишда кўполлик қилмаслик.

5. Халқнинг розилигини ўйлаб ҳукм чиқаришда сусткашлик кўрғазмаслик ва иккиюзламачилик қилмаслик лозим.

6. Подшоҳ давлат ва мамлакатга таҳдид этадиган хабардан ғофил қолмаслиги керак.

7. Подшоҳ дин уламоларини зиёрат этиши ва улар билан сухбатлашиши учун ўзида эҳтиёж сезиши керак.

8. Жабр-зулм ва такаббурлик билан халқни ўзидан кўрқитмаслиги, ҳадя, эҳсон қилиш, шафқатли бўлиши лозим.

9. Амалдорларнинг зулмига бепарво қарамаслиги керак.

10. Фаросат, басират кўзи билан оқибатни кўра олмақ вожиб [4.426- б].

Нақшбандия шайхлари ишлаб чиққан сиёсий таълимотлар орасида Махдуми Аъзамнинг ижтимоий – сиёсий қарашлари ўзининг муқамаллиги билан ажралиб туради.

Тасаввуфнинг хожагон – нақшбандия тариқати замирида мавжуд бўлган меҳнатсеварлик, одамийлик, адолатпешалик ғоялари XVI аср биринчи ярмига келиб, Мовароуннаҳр ва Хуросонда ўзининг юксак назарий ва амалий ривожини топган. Бунда тариқатнинг раҳбари Махдуми Аъзамнинг ҳиссаси катта бўлган.

Нақшбандия тариқатининг пири - муршиди Махдуми Аъзам сиёсий майдонда янада катта фаолликни намоеън этди. Хожа Аҳрордан сўнг Махдуми Аъзам биродарликда сиёсий фаолиятни бирламчилигини эълон қилди ва Шайбонийлар ҳукмдорлари сулоласи билан ўз мулоқотларини мустаҳкамлашга кўп куч сарфлаган.

Нақшбандия тариқати ўз мактабига қарийб жами ҳукмдорларни жалб қилган. Масалан, Махдуми Аъзам даврини олсак, ҳукмдорлар Убайдуллоҳон, Жонибек Султон, Исфандиёр Султон, Искандар Султонлар Махдуми Аъзамнинг муридлари эдилар. Ёки Хожа Аҳрорни олсак, Султон Абусаид, Бобур Мирзолар Хожа Аҳрорнинг мухлислари эдилар. Бу тариқат пешволари фуқаро ва ҳукамо ораларидаги мунособатни деярли назорат остига олган эдилар ва асосан халқ томонида эдилар. Шундай қилиб, Нақшбандия тариқати кишиларни маънавий жиҳатдан соф инсон бўлишга даъват қилиши билан бирга, у мазлум халқ манфаатини муҳофаза қилишни шариат йўлида ўзининг муҳим вазифаларидан бири деб билган.

Махдуми Аъзам ижтимоий – сиёсий қарашларининг кўпгина шайхлар фикрларидан фарқ этиши XVI аср ижтимоий ҳаёти, темурийлар ва шайбонийлар сулола (династия)лари ўртасидаги ҳокимият учун курашда, ижтимоий парокандаликда деб билиш мумкин. Ўз элини севган мутасаввуф ижтимоий – сиёсий воқеаларга бефарқ қараб туролмас эди.

Нақшбандийлик ва сўфийлик тариқатларининг дунёвийлашуви асосан жўйборийлар даврида яққолроқ намоеън бўлди. “Силсилот” да келтирилган муҳим маълумотлардан бири Махдуми Аъзамнинг тинчлик ўрнатишга қаратилган фаолияти, шайбонийларнинг битмас-





туганмас ўзаро ички низолар даври бўлганлигидир; Айримларини тинч йўл билан ҳал қилган бўлсалар (159-а.б.164-б, 166-б.), бошқаларида шайх шайбонийларнинг дипломатик ва ҳарбий ёрдамидан фойдаланган (муридлар орқали) [5-159-а.б.164-б, 166-б]. Уларнинг (Жўйборийларнинг) иқтисодий ва сиёсий қудратининг ошиши оддий одамлар орасида обрўларининг тушишига олиб келди.

Шундан келиб чиққан ҳолда жўйборий шайхларининг таъсир доиралари ҳам йўқолиб борди. Тариқат фаолиятининг сиёсатлашуви ана шу тарзда унинг маънавий таъсирини сусайтирди. Шу ўринда ўз – ўзидан Хожагон – Нақшбандиянинг дастлабки устозлари таъкидлаган огоҳлантириш ёдга тушади: “ҳукмдорлар ишига аралашини”, дунёвий амалларга берилиш, бойлик ортидан қувиш тариқатни нобуд қилади. Фақатгина XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб, Ҳазрати Мусохонхожаи Даҳбедий нақшбандия – мужаддия тариқатининг обрўини қайтадан тиклашга эришди.

Мутасаввуф олимларни давлат мустақамлигининг ва тараққиётининг асоси деб билган. Олимнинг ўзи ўлса ҳам, лекин унинг халққа нафи тегадиган илми ҳамиша барҳаёт қолади, деб ҳисоблаган.

Манбаларга кўра, Маҳдуми Аъзам Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мазорини зиёрат қилиш мақсадида Бухорога боради. Хонақоҳда суҳбат қураёт пайтида, бир гуруҳ (бир тўп) жамоа келиб Маҳдуми Аъзамга ўз ҳукмдори Севинч Муҳаммад Султон устидан, унинг фуқаросига нисбатан қилаётган зулмидан шикоят қилади. Шу аснода Маҳдуми Аъзамни зиёрат қилиш учун ҳукмдорнинг ўзи ҳам кириб келади. Халқ шикоятидан таъсирланган имом ҳукмдорга фарёд қилади: “Ҳой султон, бу жамоа туфайли дўзах оташига гирифтор бўлишни ўзинга раво кўрасанми?” Шунга ўхшаш танбеҳ ва насиҳатлардан кейин султон таъсирланиб, дарҳол девон ишини қайтадан тузиб, фуқарога адолатни раво кўрган экан[6. 269-б].

Маҳдуми Аъзам ҳукмдорларга: “Агар подшоҳ одил бўлса, унинг қарамидаги раъият уни васф қилур, агар золиму нодон бўлса, ўз фуқаросига ҳамда ўз бошига жабру зулматлар келтирур[7]” деб йўлланмалар берар эди. Яъни, у давлат раҳбарлари адолатли, виждонли, қалби пок, талабчан, тадбиркор, ўтқир зехдли, ақл – заковатли, узоқни кўра биладиган киши бўлмоғи лозим, деб ҳисоблаган. У ўз насиҳатларини баъзан ҳикоятлар билан ҳукмдорлар қулоғига қуяр эди:

“Хожа Муҳаммад Порсо (1345 – 1420 й.й.) замонида уларга эътиқодли бир подшоҳ бўлган ва Ҳазрати Хожа ўз суҳанларини минбардан очиғу равшан айтар эдилар. Подшоҳнинг алмашиниши бирла Эшон ҳам ҳатти – ҳаракатларини ўзгартириб, ҳатто хилватда ҳам айтадиган суҳанларини айтмайдиган бўлдилар. Бунинг боисини асҳоблар сўрадилар, Хожа айтдилар:

Чунки номаҳрам даромад аз дарам,
Парда – дар, пинҳон шуданд аҳли ҳарам.
Гар дарояд маҳраме дур аз газанд,
Баркушоянд он сатирон рўйбанд.
Таржимаси:
Эшиқдин номаҳрам киргани ҳамон,
Ҳарам аҳли бўлди пардада ниҳон.
Гар келса меҳрибон бир раҳмдил маҳрам,
Очилур ул парда, ул рўйпўш шу он.

Маҳдуми Аъзам ўз замонида катта обрўга жумладан, хонлар ҳурматида сазовор бўлган. Маълумотларга қараганда, Бухоро хони Искандархон Маҳдуми Аъзамга катта ҳурмат билдириб, уни ўзининг пири ҳисоблаган. У ўзининг фарзанди Абдуллахон туғилганида (1533 й.) ўзининг хизматчиси Охун Дарвиш Муҳаммадни катта совғалар билан мазкур Саидзода (Маҳдуми Аъзам)нинг ҳузурига юбориб, ундан исм кўйиб беришни сўраган. Маҳдуми Аъзам эса ғоят хурсандчилик билан хонни ўғил кўрганлиги билан табриклаб, унинг фарзандига Абдуллоҳ деб от қўйишни маслаҳат берган ва шаҳзодани омадли бўлиши учун дуо қилган[8. 269-б].

Маҳдуми Аъзам Қуръонга таяниб, ҳукмдорларни меҳр – шафқатли бўлишга чақиради:





қола таоло: “сабақат раҳмати ғзаби”, яъни Ҳақ субҳона ва таоло айтадиким: “бандаларимга қахру ғзабимдан кўра шафқатим ва раҳматим ортиқроқдир”. Худди шунингдек, подшоҳларнинг ҳам Худонинг бандаларига бўлган раҳми – шафқати, уларнинг қахру – ғзабларидан ортиқроқ бўлиши керакдир, токи, подшоҳларнинг олий ҳимматлари баракасидан мамлакат раияти ва дарвешлари ҳам бу улуғ саодатга мушарраф бўлсинлар:

Маъшуқа ба ҳар сифат, ки ояд зухур,
Аз зулмати маҳз ё худ аз холиси нур.
Ошиқ ба ҳамон сифат мавсуф гардад,
Бар дини мулук аст раият маъмур[9].

Мазмуни, маъшуқа қай сифатда, ё зулмат ёки нур тарзида кўринса, ошиқ ҳам ўша сифатга эга бўлганидек, раият ҳам подшоҳлар динида бўладилар, деб таъкидлайди.

Нақшбандия тариқатининг йирик намояндалари Хожа Аҳрори Валий ва Муҳаммад Қозийлар ушбу таълимотнинг амалий томонларига эътибор қаратган бўлсалар, Махдуми Аъзам шу амалий тажриба асосида назарий жиҳатларини асослашга ҳаракат қилган.

Махдуми Аъзам тариқатнинг ривожидан подшоҳларнинг унга хайрихоҳона муносабатига боғлиқ, деган фикрни қайта – қайта такрорлайди: “Аммо, эй толиби содиқ, шуни билгилки, агар замон подшоҳлари уларга ва уларнинг тариқатига ихлос ҳамда эътиқод қўйиб, уларга мадақдор ва ёрдамчи бўлсалар, бу олий тоифа (нақшбандийлар) ул вақтда бу шариф нисбат (тариқат) билан шуғулланиб, уни ривожлантира оладилар. Акс ҳолда, жуда мушкул бўлади[10].

Махдуми Аъзамнинг рисолаларини кўздан кечирганимизда унинг каттагина қисми нақшбандия фаолиятининг ижтимоий – сиёсий масалаларига бағишланганининг гувоҳи бўламиз.

Булар орасида энг йирик асар – бу “Танбеҳ ус – салотийн” (“Султонларга танбеҳлар”) ҳисобланади. Қўлёзманинг ўзбекча ва тожикча таржимаси Академик Б.Валихўжаев ва К.Каттаевлар томонидан нашрдан чиқарилган[11]. Русча таржимасини эса Б.Бобожонов амалга оширган[12].

Б. Бобожонов рисола “Султонларга насиҳатлар” деб атаган. Аслида луғавий таржимаси “Султонларга танбеҳлар” деб номланади.

Бу асар Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннатдан чиқарлишидан ҳамда уларнинг авлодлари ва инсоният уруғининг пайдо бўлишидан бошланади.

Махдуми Аъзам Қуръонга таяниб, Худо ўзининг эрдаги халифи этиб Одам Ато ва унинг яқин авлодларини тайинлади[13] деб ёзади.

Муаллиф Одам Ато ва Момо Ҳавонинг ўлимидан сўнг, улардан тарқалган турли халқларга ўз даври ва ўша халққа мос халифалар, амирларни Аллоҳ тайинлади, деб уқтиради. Бироқ Аллоҳнинг эрдаги муносиб вакили бўлиш учун халиф фуқароларга нисбатан жуда адолатли бўлиши лозим.

Сўнгра Махдуми Аъзам сўфий, дарвеш ва ҳукмдор муносабатларига ўтади. Мутасаввуфнинг фикрича, ҳукмдорлар дарвешларга алоҳида мурувват кўрсатишлари зарур, чунки уларнинг мақсади – барча замонларда инсонларга фойдали бўлишдир.

Махдуми Аъзам ушбу рисоласида Хожа Аҳрор тилидан уни Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом “шариатни ҳимоя қилиш ва тариқатни (яъни Нақшбандия тариқатини) қувватлашга” вакил қилиб тайинланганлиги ҳақидаги ҳикояни келтиради. Лекин ҳар сафар буни ўйлар экан, бунга подшоҳларнинг ёрдამисиз эришиб бўлмаслиги ҳақидаги хулосага келади. Кейин муаллиф яна Хожа Аҳрор тажрибасига мурожаат этади ва унинг ушбу сўзларини келтиради: “Худо мени давр подшоҳлари билан узвий боғлиқликда эканлигимни қўллаиди, чунки шариатни қўллаш ва ҳимоя қилишнинг бошқа усули йўқ”. “Масала шундаки, - дея давом этади Махдуми Аъзам, - подшоҳларнинг қўллаб қувватлаши ва кўмагисиз бу (нақшбандия) тариқатида ҳеч нарса қилишнинг имкони йўқ эди. Халқнинг кўп қисми жоҳил-у нодон бўлгани боис, улар ушбу тоифанинг олийжаноб йўлларини рад этар эдилар... Мабодо подшоҳлар ушбу тоифага боғлиқ бўлсалар ва унга ҳурмат билан қарасалар, бу нодонлар унга қарши ёмонлик қила олмас эдилар[14].” (Таржима 3.Э)





Юсуф Ҳамадонийнинг шогирди Андокий сўфийлик биродарлигининг 3 та шарты :

1. **Ихвон** – яъни, муайян шахс
2. **Макон** – яъни, муайян жой
3. **Замон** - яъни, муайян вақт[15].

тўғрисида муҳокама юритган.

Баъзи манбаларда Аҳмад Яссавий дарवेशлик осон эгалланадиган маслак эмаслигини жуда яхши билган ҳолда дарवेशсифат инсонларнинг этишишини замон, макон ва иршод унсурларига боғлаб бундай дейди: "**Мубтадийлар мурури, мутасаввуфлар судури ва мунтаҳийлар зуҳури шу тўрт асосга боғлиқдир: Макон, Замон, Ихвон, Рабти султон**[16]".

Яссавийга кўра шариатни билмоқ ва унга мувофиқ яшамоқ сўфийнинг бирламчи вазифасидир. Шариатсиз тариқат бўлмаганидек, тариқат тарбиясининг яна бир шарты "сиёсатлиғ муршид"дир:

Тариқатга сиёсатлиғ муршид керак,
Ул муршидга эътиқодлиғ мурид керак.
Хизмат қилиб пир ризосин топмоқ керак,
Мундоғ ошиқ Ҳақдин улуш олур эрмиш[17].

Аммо Махдуми Аъзам ушбу қоидаларни қуйидагича шарҳлайди:

1. **ХОН** – тариқат фаолиятининг самарали бўлишини таъминлаш ҳукмдорларга боғлиқ ва уларнинг бош вазифаси саналади.

2. **ИХВОН** (биродарлик) – тариқат аъзолари ўз ҳатти – ҳаракатларида ҳамдард, ҳамнафас, ҳамфиқр ва ҳамжихат бўлишлари керак.

3. **МАКОН** (ўрин, мавқе) – тариқат аҳли барча вазифаларини бажариши учун яратилган муҳит : яшаш жойи, хонақо, жоме- масжид ва бошқалар,

4. **ЗАМОН** (вақт) – вақт, он, нафас, имконият ҳар бир нафаснинг қадр - қиммати ва огоҳликда ўтиши[18. 143 – 144 а].

Эътибор берсангиз Махдуми Аъзам шартлар қаторининг биринчи ўрнига **ХОН** тушунчасини кўяди ва бу билан сиёсий фаолиятнинг тариқат хизматида устунлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Шунингдек, пайғамбаримизнинг “**бир соатлик адолат олтмиш йиллик нафл ибодатдан афзал**” мазмунидаги ҳадисини эслатиб, давлат раҳбарлари ҳамиша адолат тарозисини ҳар ишда, ҳар доим қўллашлари лозимлигини уқтиради, одилликни давлат мустаҳкамлиги, умрбоқийлиги ва равнақининг асоси эканлигини баён қилади. Бу адолатнинг ибодатдан афзаллигини, мўмин – мусулмон адолат тантанаси учун интилоғи лозимлигини қайд этишдир.

Шу тариқа, мутасаввуф **ХОН** деб **адолатни, унинг мезони қилиб - ҳақиқат** ва икки палласи деб **шариат** ва **тариқатни** кўрсатади. Адолат инсоннинг табиати ва ижтимоий тузумнинг моҳиятини белгилайдиган қудратли маънавий кучга эга бўлган ғоядир.

Хожагон тариқатининг мутасаввуфлари Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Ориф Ревгарий ва бошқалар ўз шахсий манфаати учун қилинган тоат — ибодатдан, эътиқоддан эл-юрт, халқ, жамият учун қилинган адолат, холис хизмат афзал эканлигини таъкидлаганлар. Бу ҳақда Ориф Ревгарий Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан эшитган ғоят бир ибратли ривоятни нақл қилади: «Хорун ар- Рашид замонида нуфузли бир амалдор бор экан. У ҳар куни Ҳизр алайҳиссалом билан кўришиб суҳбатлашаркан. Бир кун шу киши ўз ишига истеъфо берибди. Ва зоҳид бўлиб инсонлардан бир четда тоат - ибодатга шўнғибди. Лекин шундай бир кун ўтиши билан Ҳизр унинг ҳузурига ташриф буюрмай қўйибди. Шу тарзда кунлар кетидан кунлар, йиллар кетидан йиллар ўтаверибди... Ниҳоят бир кеча унинг тушига Ҳизр алайҳиссалом киргач, у ёлвориб дебди: «Эй вафоли дўст! Мен сен билан доимий тарзда суҳбат қурмоқ мақсадида дунё ва дунё ишларидан этак силкидим. Узлатга чекиниб, танҳоликда ибодат қилишга киришдим. Бу эса сени менга янада яқинлаштирур, деб ўйладим. Ҳолбуки, бунинг тамом акси бўлди: сен дийдорингни шундан бутунлай дариг тутдинг. Нечун бундай бўлди? Бунинг хикмати недур? Ҳизр дебди: «Эй рафиқ! Менинг сен ила





кўришиб суҳбатлашувимнинг боиси қилаётган ибодатлар, хайр ҳасанот учун эмасдир. Балки ўша масъул вазифада мусулмонларнинг ишларини ҳақ ва адолат билан бажо келтирганинг учун эди. Сен эса бу масъулиятли вазифани элкангдан соқит қилиб, мусулмонларга хизматни тарк этдинг. Ва ўзингнинг шахсий камолотинг учун бир гўшага чекидинг. Ўз маънавий манфаатингни кўпчилик манфаатидан устун қўйддинг... Шуни билгилки, сенинг шахсий манфаатинг умумманфаатлари олдида катта бир қийматга эга эмасдир. Чунки узлатга кириб, намоз ўқиб, рўза тутиб, зикр айлашни ҳамма ҳам адо этмоғи мумкин. Бироқ халққа холис, юксак маърифат ва диёнат мақомида хизмат кўрсатишни ҳамма ҳам уддалай олмас. Мана шунинг учун сендан алоқани узгандирман”... Зоҳид уйғонгач, мушоҳада юритиб, йўл қўйган хатосига тан берибди[19].

Демак, ҳар бир мусулмоннинг тоат - ибодати, имон - эътиқод поклиги шахсий манфаат, тамаъ нуқтаи назаридан эмас, балки халқ ва жамият манфаатига мос келсагина Аллоҳ томонидан қадрланиши мумкинлиги очикдан - очик таъкидланмоқда. Диний экстремист ва мутаассиблар эса очикдан - очик ўзларининг эътиқодларини, тоат - ибодатларини риёкорона кўз - кўз қилиш билан жамиятимиздаги аксарият мусулмонларнинг иймон - эътиқодини беписандлик билан ҳақорат қилишга ҳам бориб этмоқдалар. Турли иғво, фитна - фужур билан жамиятимиздаги мусулмонлар ўртасига ҳам нифоқ солишга уринмоқдалар. Юқоридаги ривоят эса, уларнинг бу ҳатти - ҳаракатларини ҳам эътиқод жиҳатдан, ҳам маънавий жиҳатдан қораланишига хизмат қилади. Унинг ижтимоий - маънавий аҳамияти ҳам ана шундан иборат.

Марказий Осиё мутасаввифлари маънавий меросининг диний мутассиблик ва фундаментализмга қарши курашдаги аҳамияти яна шундаки, улар ислом динининг талаблари, ақидавий тамойилларига изчил риоя қилган ҳолда уларни умуминсоний қадриятлар билан, иймон, ахлоқий турмуш тарзи, ўзаро ҳамжихатлик ва меҳр - муҳаббат билан боғлашга ҳаракат қилганлар. Шу муносабат билан тадқиқотчи Г.Н. Наврўзованинг куйидаги фикрларини асосли деб ҳисоблаймиз: «Тасаввуф моҳиятан Қуръонга ва ҳадисларга асосланган бўлса-да, лекин умуминсоний қадриятлардан айримларини ўзида мужассамлаштирган таълимотдир;

Тасаввуф диний таълимот бўлиши билан бирга, тажрибада юзага чиқадиган амалий билим ҳамдир. Калом ва фалсафа имонни ақлий бир ҳодиса сифатида баҳоласалар, тасаввуф эса, имонни ахлоқий турмуш тарзи, ўзаро ҳамжихатлик, меҳр - муҳаббат ва ҳол сифатида баҳолайди[20]. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё мутасаввифлари, хусусан, нақшбандия тариқати мутасаввифлари, айниқса Махдуми Аъзамнинг жамиятни тинчлиги ва осойишталигига доир ғояларини диний фундаментализм ва экстремизмга қарши курашдаги аҳамияти ҳам ана шундандир.

Шу нуқтаи назардан хожагон - нақшбандия тариқатининг асосий тамойилларидан бўлмиш «Хилват дар анжуман», «дил ба ёру даст ба кор»нинг маънавий ва ижтимоий аҳамияти шундаки, бу йўлдан бораётганлар жамиятда эркин бўладилар, улар ўз ота - она, оила, қон - қариндош ва жамият олдидаги бурчларини яхши англайдилар ва уларни тўла адо этадилар. Диний мутаассиблик ва экстремизм эса бу нарсалардан жуда йироқ.

Мутасаввиф юқоридаги ҳадисга суянган ҳолда «Ўз адолати билан танилган кофир подшоҳ зулмкор мусулмон подшоҳдан афзал» тамойили асосида ҳамма халқларга, турли динларга эътиқод қилувчи барча инсонларга адолат мезони билан ёндошувни ўз асарларида тараннум этган. Яна бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, гарчи мусулмон давлатларида мамлакатни бошқариш масаласида адолат мезони шариат кўрсатмаси ва аҳкомлари асосида амалга оширилган бўлса - да, ўзбек халқи давлатчилиги тарихида реал ҳаёт воқелиги эҳтиёжлари тақозоси билан ўтмишда шаклланган қонун - қоидаларга ҳам суянилган. Шу муносабат билан тадқиқотчи Азамат Зиёнинг куйидаги фикрлари асослидир: «Шариат деганда ўша замонларда (ўрта асрларда) мусулмон жамиятидаги муайян бир ахлоқий — ҳуқуқий нормалар англамоғи керак. Зеро, «тўғри йўл» мазмунини берувчи шариат (аш шариа) асосида Қуръон ва сунна ётса - да, лекин у аслида фикҳ (ҳуқуқ ва юриспруденция) учун умумий мафкуравий, диний — ахлоқий манба бўлиб хизмат қилган. Демак, хулоса





қилиш мумкинки, жамият ҳаётининг турли соҳаларини бошқаришда қадимдан жорий бўлиб келган қонунчилик (тузукчилик) ва мусулмон қонунчилиги (фикҳ) имкониятларидан ҳам фойдаланилган[21]. Маҳдуми Аъзам биринчилардан бўлиб диний арбоблар учун подшоҳлар мурожаат қилишни кутмай туриб, насиҳат бериш учун “султонлар остонасига бориш” нинг мумкинлигини асослаб берган[22].

Бундай жиҳатлар нақшбандия шайхларига уламолар ва суфийлар билан баҳс олиб боришларида анча катта асос яратиб берган бўлса керак. Чунки улар анъанавий исломий ақидаларга суяниб, нақшбандия раҳнамоларининг ҳукмдорлар билан алоқа ўрнатишларини мумкин бўлмаган нарса, деб ҳисоблаганлар.

Маҳдуми Аъзам давлат арбобларини Аллоҳнинг ердаги сояси, олимлар Аллоҳнинг огоҳлигидан далолат берувчи кўзгуси, улар Аллоҳнинг гўзаллигини кўрсатувчилар бўлиб, уларнинг ҳусни, унинг гўзаллигига далилдир, деб қуйидаги байтни келтиради:

Подшоҳон мазҳари шоҳии Ҳақ,
Олимон миръоти огоҳии Ҳақ,
Хубрўён мазҳари хубии ў,
Ҳусни эшон акси маҳрўйи ў[23].

Мазмуни:

Подшоҳлар Ҳақ шоҳлигининг мазҳари,
Олимлар эса Ҳақ огоҳлигининг кўзгуси.
Яхшилар Ҳақ яхшилиги мазҳари,
Уларнинг ҳусни Ҳақ ҳуснининг аксидир.

Маҳдуми Аъзам “Рисолайи аҳволи уламо ва умаро[24].

(“Олимлар ва султонлар аҳволи”) рисоласида амирлар ва уламоларнинг ўзаро муносабатларига бағишлаб, “Хайр - ул – умаро ман зора -ал – уламо, шарр - ул – уламо ман зора - л – умаро” (яъни, амирларнинг энг яхшиси олимларни зиёрат этади, олимларнинг энг ёмони амирларни зиёрат қилади) ҳадисини келтиради. Ушбу ҳадисни шарҳлар экан, муаллиф унинг биринчи қисмини тўла маъқуллайди ва ҳатто уни янги қарашлар билан тўлдиради. Ҳадиснинг иккинчи қисмига келганда ундаги “уламо амирларни зиёрат қилади” иборасини шундай шарҳлайди: аввало олим чин билимга эга бўлмоғи, фақат шариат мустаҳкамлигини ўйламоғи, фаолиятининг натижаларидан эса бутун эл баҳраманд бўлмоғи керак. Агар олим шундайин сифатлар ва холис ниятлар билан амир ҳузурига ташриф буюрса, у ҳолда амирнинг ўзи зоир, олим эса зиёрат қилинган (мазур) ҳисобланади. Муаллиф қайта таъкидлайдики, олимнинг мақсади ўз ҳаракати ва билимлари билан ҳукмдор орқали халққа яхшилик қилмоқликдан иборат бўлмоғи лозим.

Маҳдуми Аъзам “ҳукмдорларнинг остонасига мансаб орттириш ниятида бош эгиб борувчи мансабпараст” олимлардан, шариат ва тариқатни ҳурмат қилмайдиган ҳукмдорлардан огоҳ бўлишга чақиради.

Аллома ҳукмдор Аллоҳнинг ердаги халифи сифатидаги бурчлари хусусида қуйидаги фикрни беради: “Олим мидонад бе-муқтазойи илм-и худ, амир халифа аст аз хулофа – йи подишоҳ, ки у – халифа аз хилофа-йи Ҳақ Субҳана ва Таъоло...” – олим ўз билими туфайли амир подшоҳнинг халифи, подшоҳ эса Ҳақ Субҳона ва Таолонинг халифи эканлигини англаб этади). Шариат ва тариқат билимларини яхши билган ва уларга амал қила оладиган ҳукмдоргина Аллоҳнинг ердаги халифи бўлишга лойиқдир. Бундай ҳукмдорни зиёрат қилмоқлик савобдир. Ҳукмдорнинг бурчи – шариат ва тариқатдаги ўз билимларини шундай олим ва дарвешлар билан суҳбат қуриб бойитиб бормоқликдан иборат[25-56].

Маҳдуми Аъзам давлат раҳбарлари адолатли, виждонли, қалби пок, талабчан, ақл-заковатли, узоқни кўра биладиган киши бўлмоғи лозим, деб ҳисоблаган. Мутасаввифнинг ушбу бунёдкорлик ғоялари юртни обод, халқ ҳаётини фаровон қилишдек олижаноб мақсадлар билан ажралиб туради.

Маҳдуми Аъзамнинг давлат инсоният яшаши учун зарурат сифатида ташкил топган деган ғояси асрлар давомида шаклланган умуминсоний таълимотга мувофиқ келади. Бунга мувофиқ ҳокимият биринчи инсон ва ҳукмдор Одамдан бошлаб Аллоҳ томонидан эр юзида





Худонинг иродасини амалга ошириш учун лаёқатли кишиларгагина топширилган. Худонинг амридан чекинган ҳукмдор эса бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам азобга маҳкум этилади. Маҳдуми Аъзам таъкидлаган ҳукмдорнинг Аллоҳнинг эрдаги халифи сифатидаги бурчи ва унинг динни сиёсий ишларни қўшиб олиб бориш борасидаги вазифалари, шариат ҳимояси учун кўрсатган ғамхўрлиги муҳим аҳамият касб этади.

Маҳдуми Аъзамнинг фикрига кўра, “Аллоҳнинг иродаси ва ҳукми халқ орасида ёйилмоғи учун нақшбандия шайхлари халққа, уламо подшоҳларга доимий равишда насихат қилмоқлари керак[26]. Муаллиф муттасил ҳолда нақшбандия шайхларининг султонлар билан бўладиган муносабатлардаги вазифаларини таъкидлаб боради, султонлар саройида ёвузликнинг оёғини қирқиш ва шариат уруғини сепишга даъват этади. Бу борада шайх албатта султонларнинг унга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлмоқликларига эришмоғи керак.

Унинг нақшбандия сиёсий фаолиятини тариқатнинг асосий вазифасига айлантириш борасидаги ғоялари кейинчалик турли худудларда (Шарқий Туркистон, Афғонистон, Ҳиндистон) да ёйилган тариқатнинг барча йўналишларига ўз таъсирини кўрсатди.

Маҳдуми Аъзамнинг рисолаларидаги ғоялари унинг даврида нақшбандия сиёсий фаолиятида тариқатнинг “сиёсий дастури” сифатида у ёки бу даражада ҳаётга тадбиқ этила бошланди.

Унинг ижтимоий – сиёсий таълимоти шуни кўрсатадики, халқнинг аҳволини яхшилаш, уларнинг манфаатини ҳимоялаш учун турли воситалардан, инчунун сиёсий институтларнинг имкониятларидан ҳам унумли фойдаланиш зарур. Мақсад юрт тинчлиги, эл фаровонлиги бўлиши лозим. Бу таълимот миллий истиқлол мафкурасининг теран диний-фалсафий илдизларидан биридир.

Нақшбандия тариқатининг XVI асрдаги буюк раҳнамоси Маҳдуми Аъзамнинг ижтимоий – сиёсий фаолияти истиқлол туфайли вужудга келган янгича руҳ ва мазмундаги фалсафа ва тарихшуносликнинг долзарб масалалари сирасига киради. Лекин бу муҳим масала узоқ йиллар давомида қўлёзма манбалар асосида мукаммал ва холис ўрганилмади.

Ер кurrasининг турли нуқталарида низо ва адоватлар ўчоғига чўғ қадалган ҳаракатлар бўлаётган ҳозирги жараёнда улуг бобомизнинг тинчлик, барқарорлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ўзаро меҳр – оқибат, шафқат ва мурувват муҳитини қарор топтиришга қаратилган ушбу эзгу даъватлари ўзига хос долзарб аҳамият касб этади.

Маҳдуми Аъзамнинг жамоа тинчлиги ва осойишталигига оид қарашлари бўйича куйидаги хулосага келиш мумкин:

- Ул зот жамиятда тинчлик, тотувлик ва барқарорлик муҳитини вужудга келтиришга ҳаракат қилган олижаноб инсон;
- Маҳдуми Аъзам мамлакатни идора қилишда машварат, кенгаш, муросою мадорага эришиш ғоясини илгари сурган мутасаввиф;
- Жамиятда турли табақа вакилларига эътиборли бўлган инсонпарвар шахс;
- Маҳдуми Аъзам нақшбандия таълимотидаги Хожа Аҳрори Валий ва Муҳаммад Қозийлар бошлаган ижтимоий – сиёсий фаоллик, жамоа тинчлиги ва осудалигини ҳимоя этиш учун сиёсий институтлардан фойдаланиш ғоясини ривожлантирган ва маълум тизимга солган мутасаввуф;
- Унинг ижтимоий – сиёсий фаоллик ғоясини давр тақозоси, муҳит талаби деб айтиш мумкин;
- Буюк алломанинг жамоа тинчлиги ва осойишталигига доир ғоялари диний фундаментализм ва экстремизмга қарши курашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муҳаммад Бурҳониддин (Муҳаммад Қози). Силсилат ал – орифин ва тазкират ас – сиддиқийн. Қўлёзма. Ўз.Р ФАШИ, № 4452, в. 74 а, б.
2. Фаҳриддин Али Сафий. Рашаҳату айнил-хаёт // Тарж. Ҳасаний М. Умрзоков.Б. -Т.:





Абу Али Ибн Сино. 2004. – Б. 35 - 47.

3. Қаранг: Муҳаммад Қози. Силсилат ул-орифин. Қўлзма. Ўз.ФАШИ. №11413/1.-В 115 б.
4. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашиди. Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р.П. Джалиловой, Л.М.Епифановой.- Т.: Фан, 1996, С. 426 – 434.
5. Абул Бако ибн Баҳовуддин. Жомеъу – л – макомот // Тарж. Илёсхон Ғозий. -Т., 1994. – Б, 269.
6. Хожагий Аҳмад Косоний. Зубдат ус – соликийн ва танбият ус – салотийн // Тарж. Б.Валихўжаев. Самарқанд.: Сўғдиёна 1994. – Б. 59.
7. Шу асар – Б.10
8. Шу асар – Б.10
9. Акимушкин О.Ф. (от учеников и коллег) Мудрост суфи. -Санкт Петербург.: Азбука, 2001. С. 187.
10. Хожагий Аҳмад Косоний. Зубдату – с – соликийн ва танбеҳу – с – салотийн. Қўлзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XX; - В, 136 а – в.
11. Идрис шох. Нақшбандия тариқати. -Т., 1993, - Б. 14.
12. Усмон Турар. Яссавийнинг Туркистон тарихидаги ўрни ва мутасаввиғлиги // Хожа Аҳмад Яссавий. ҳаёти, ижоди, анъаналари. -Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 129.
13. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат / нашрга тайёрловчи Р.А.Абдушукуров.-Т., 1992. – Б. 8.
14. Хожагий Аҳмад Косоний. Зубдату – с – соликийн ва танбеҳу – с – салотийн. Қўлзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XX; - В, 143 – 144 а
15. Иброҳим Ҳаққул. Хожа Ориф Моҳитобон. -Т.,1996. - Б. 44-45.
16. Наврузова Г.Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. -Т., 2002. - Б. 14.
17. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. -Т., 2001. -Б.185 – 186.
18. Хожагий Аҳмад Косоний. Рисолайи аҳвол – и уламо ва умаро // Тарж. Б. Бобожонов. - Т., 2000. – Б. 55.
19. Хожагий Аҳмад косоний. Зубдату – с – соликийн ва танбеҳу – с – салотийн // Тарж. Б. Валихўжев. 1994. – Б, 71.
20. Хожагий Аҳмад Косоний. Рисолайи аҳвол – и уламо ва умаро // Тарж. Б. Бобожонов. - Т., 2000. – Б, 55.
21. Хожагий Аҳмад Косоний. Зубдату – с – соликийн ва танбеҳу – с – салотийн. Қўлзма. Ўз.Р.ФАШИ. № 501 / XX; - В, 139 б.
22. Турабова С. К. ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ЯНГИЧА ФИКРЛАШ ТАРЗИ ВА АРГУМЕНТАТИВ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ. – 2022.
23. Turabova, S. K., & Juraeva, V. F. (2019). THE SOCIO-POLITICAL SIGNIFICANCE OF THE PHENOMENON SCIENTIFIC DISCUSSION IN THE DEVELOPMENT OF THINKING OF THE PEOPLES OF THE EAST. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(8), 168-174.
24. Turabova, S. K. (2019). Social importance of the discussion in the development of civil society. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(6), 260-266.
25. Kattakulovna, T. S. (2022, April). SCIENTIFIC DISCUSSIONS AS AN INNOVATIVE METHOD OF COGNITION. In Conference Zone (pp. 116-117).
26. Axmedov B. Qorako'lchilik sohasini ilmiy tadqiqotlarda o'rganilishining ahamiyati //Journal of Social Sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 01.
27. Mamasaliev M. M., Elboeva S. B. RELIGIOUS-PHILOSOPHICAL DOCTRINES OF SARVEPALLI RADHAKRISHNAN //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 11. – С. 339-342.

